

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ

Қурбонов Адхам Акрамжон ўғлининг

**“5230100-иқтисодиёт” таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини
олиш учун “Ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг истиқболли
йўналишлари”(вилоят иқтисодиёти мисолида) мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар:
катта ўқитувчи Мамажанова С.В.**

Гулистон-2019

МУНДАРИЖА

КИРИШ

1-БОБ. ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

1.1 Худудлар иқтисодиётини модернизация ва тартибга солиш воситалари

1.2.Худудлар ишлаб чиқаришини модернизациялашга инвестицияларни жалб этишнинг хусусиятлари ва имкониятлари

1.3. Республика худудлари иқтисодиётини модернизациялашга инвестициялар жалб қилишнинг шарт-шароитлари

II.БОБ.Худудларда ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг устувор йўналишлари

2.1. Минтақалар иқтисодиётини модерниизациялашнинг асосий йўналишлари

2.2. Минтақалар иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялашда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг оқилона йўллари

2.3. Сирдарё вилояти иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар орқали ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг истиқболлари

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида турли мулк шаклидаги хўжалик субъектларининг юқори иқтисодий самарадорликка эришишга интилиши йўлидаги фаолиятлари талаб ва таклиф, қиймат қонунлари тамойиллари асосида бошқарилиб, бу ҳолат бозорда истеъмолчилар ва ишлаб чиқариш хўжалик субъектлари тўла иқтисодий эркинликка эга бўлишларини тақозо этади.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистондаги энг муҳим вазифа - иқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини иқтисодий ўсиш сиёсати билан боғлаш бўлиб, бу ҳол инвестиция фаолиятини кучайтиришни талаб қилади. Ушбу масалани ҳал қилиниши молиявий-иқтисодий қийинчиликларни енгишга, мамлакат иқтисодиётининг кенг кўламда таркибий қайта қуришга, бирламчи бошқариш тузилмаларида қулай ишлаб чиқариш муҳитини яратиш муаммосини ҳал қилишга, аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлашга имкон беради. Инвестиция жараёнларини фаоллаштириш вазифаси тегишли тартибга солувчи воситаларни шакллантиришдан иборат бўлиб, бу воситаларсиз ишлаб чиқаришни ривожлантириш сари табиий ҳаракатни амалга ошириб бўлмайди. Шу жиҳатларни назарда тутган ҳолда битирув малакавий иши мавзуси долзарблигини таъминлайди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири инвестиция сиёсатини тўғри ташкил қилиш ва йўналишларни аниқ белгилашдан иборатдир. Биринчи галда хорижий инвестицияларни жалб этиш айниқса кичик ва ўрта бизнесга ҳамда етакчи тармоқларга қаратилиши лозим. Чет эл сармояси иштирокида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, кичик ва ўрта корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Буларнинг барчаси мамлакатимиз иқтисодиётига ички инвестицион манбаалар ва хорижий сармояларни жалб этиш муаммоларини илмий жиҳатдан чуқур

ўрганиш ва уларни ҳал этиш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда асосий йўналишларни белгилашдан иборатдир.

Иқтисодийни модернизация қилишни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, ҳудудлар иқтисодийига хорижий инвестицияларни жалб этиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш заруриятдан иборатдир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси Иқтисодийни модернизация қилишни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, уни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таъсири муаммолари доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида туради. Бу муаммолар Ж.Р.Хикс, А.Маршалл, П.Самуэльсон, Л.Абалкин, Л.Григорьев, Г.Найденов, Ю.Плутшевский, Р.Энгов ва бошқа олимларнинг асарларида ўз аксини топган.

Мамлакатимиз олимларидан инвестиция жараёнлари ва уни иқтисодий ўсишга таъсири муаммосининг турли жиҳатлари Юлдашев Ш.Г., Исмоилов К.К., Муҳиддинов Р.М., Махмудов Э.Х., Абдуғаниев А.А., Исоқов М.Ю., Нодирхонов У.С., ғуломов С.С., Ғозибеков Д., Расулов Н.Н., Турдиев А., Юсупова Н.М., ва бошқа бир қанча олимларнинг ишларида ёритилган.

Бироқ, ушбу кенг қамровли муаммонинг кўпгина масалалари ҳали чуқур ўрганилмаган бўлиб, ўз ечимини кутмоқда. Ҳозирги шароитида инвестиция соҳасида давлат иштирокининг асосий шакллари ҳали тўла-тўқис асослаб берилмаган. Инвестиция соҳасида фаолликни кучайтиришнинг тамойиллари, уни иқтисодий ўсишдаги самарадорлигини ошириш, тармоқ ва минтақавий устувор йўналишлари етарли даражада ўрганилмаган. Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалар тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилаб берди.

Битирув малакавий ишининг мақсади ўтказиладиган тадқиқотнинг бозор иқтисодийига ўтиш шароитида Ўзбекистон иқтисодийига инвестицияларни жалб этиш хусусиятларини ва улардан самарали фойдаланишнинг стратегик йўналишларини белгилаш ва уларни ҳудудлар иқтисодийида тутган ўрнини ўрганишдан иборатдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

иқтисодиётни модернизация даврида инвестицияларни жалб қилишнинг хусусиятлари;

инвестицияларни молиялаштириш асослари;

республикада иқтисодиётга инвестициялар жалб қилишнинг шарт-шароитлари;

хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий тамойили;

чет элдаги инвестицияларни жалб қилиш ва унинг ишлатиш усуллари;

ажратилган инвестицияларни тартибга солиниши ва унинг имкониятларидан фойдаланиш йўллари аниқлаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни инвестициялашни кенгайтириш йўллари;

инвестицияларнинг ички манбалардан фойдаланишни кенгайтириш йўллари;

мазкур муаммоларни ечими бўйича аниқ хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг объекти сифатида Сирдарё вилояти иқтисодиёти ва унга инвестицияларни жалб этиш масалалари тадқиқ қилинади.

Битирув малакавий ишининг предмети. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида инвестиция сиёсатини ва уни ҳудудлар иқтисодиётига асосий йўналишлари муаммолари.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари - Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, Ш. Мирзиёевнинг маърузалари ва бозор иқтисодиёти шароитида хорижий сармояларни жалб этишни такомиллаштиришга оид назариялар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари мазкур мавзунини тадбиқ этишда асосий

услубий база бўлиб хизмат қилади. Мазкур тадқиқотда ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси статистика давлат қўмитаси маълумотларидан фойдаландик.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилик элементлари қуйидагилардан иборат.

молиялаштиришнинг ички манбаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш, техник-технологик салоҳиятини ошириш учун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора тadbирлари;

хорижий кредитлар ва кўпроқ бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш учун хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш ҳамда мамлакатда пул кредит сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишларни самарали тарзда яқунлаш;

инвестиция лойиҳаларини хорижий банклари кредит линиялари орқали молиялаштиришни ривожлантириш мақсадида улар билан кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ва ишончларини янада ошириш.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки ишида ишлаб чиқилган ғоя ва таклифлар инвестиция фаолиятини амалда қўллаш, унинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш асосида инвестицияларни фаолияти ва ривожланишини бозор тамойилларига таянган ҳолда ишлаб чиқиш уни самарали бошқариш йўллари аниқлаш ва ундам мақсадли фойдаланиш имконини беради.

Ишнинг тузилиши қуйидагича: Кириш, икки боб, хулоса ва тавсияномалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I БОБ. ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

1.1 Худудлар иқтисодиётини модернизация ва тартибга солиш воситалари

Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини кучайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 70- йилларигача «иқтисодий ривожланиш» дейи.панда мамлакатнинг ишлаб чиқаришни ахрли ўсиш суръатларидап юқорирок суръатларда ошириш қобилияти тушунилар, ривожланиш жараснпншп микдорий ўлчови сифатида «иқтисодий ривожлаиш даражаси» тушунчаси хизмат қилар, у мамлакат миллий даромадини унинг аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланар эди.

Иқтисодий ўсиш суръатлари иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг асоси ҳисобланади. Демак, миллий даромадининг ўсип суръатлари қанчалик юқори бўлиб, аҳолисининг ўсиш суръатларига нисабата) тезроқ ортган мамлакатда иқтисодий ривожланиш даражаси шунчалик ошиб боради.

Шунинг учун ҳам ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, «иқтисодий ривожланиш» тушунчаси сифат жиҳатидан бойитилиб, миллий иқтисодиёт тузилмаси, қазиб олувчи ва қайта ишловчи тармоқлар нисбати, экспор таркиби, мамлакат аҳолисининг маълумот даражаси, эҳтиёжлари таркиби в бошқалар билан ифодалана бошлади. Кейинчалик эса иқтисодий 'тадқиқотлар чуқурлашуви билан ривожланишга ижтимоий ва сиёсий омиллар сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи кўп қиррали жараён сифатида қаралди.

Энди эса «иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш» тушунчасини кўриб чиқайлик. Ушбу тушунчанинг муайян таърифлари мавжуд. Масалан, Кушкин Р.И. фикрича, «Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ваколатли давлат органлари, ташкilotлари томонидан маълум бпр пжтпмой- иқтисодий вазпфалар, мақсадларга эришишга қаратилган конунчилик ва назорат характеридаги чора-тадбирлар тизимини қўллаш қисобланади» .

Булатов А.С. таҳрири остидаги дарсликда эса ушбу тушунча қуйидагича таърифланган: «иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш давлатнинг, жамиятнинг хўжалик ҳастига ва у билан боғлиқ бўлга пжтпмой жараёнларга таъсир этиш жараспи бўлиб, унинг натижасп; маълум бир доктринага асосланган давлатнинг иқтисодий ва ижтпмой сиёсати амалга оширилади» .

Энди эса, «худудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш» тушунчасига таъриф бериб кўрайлик ва унинг ўзи нимани англатишини аниқлайлик.

Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, иқтпсодпётни давлат гомонидан самарали бошқарпшга маҳаллий хусусиятдаги ижтпмой-иқтисодии муаммолар маҳаллий ҳокимпят органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилгандагина эришилади. Бунда республика ҳокимият органлари эътибори умуммиллий хусусиятдаги қарорларни қабул қилпш, иқтпсодиёт ривожланишининг истиқболли йўналишларини аниқлаш ва шу асосида фаолият кўрсатиш, конунни ҳпмоя килиш ва ҳимоялаш каби ишларга қаратилган бўлади.

Шупдай қилиб, худудларнинг иқтисодий ривожланишини тартибга солиш зарурияти ижтпмой-иқтпсодий муаммоларни (бандлик, ижтпмой кимоя, кичик ва ўрта бпзнссни ривожлантириш ва бошқалар) ўзларига бириктирилган даромадлар манбаалари ҳисобига ҳал этишда кўпроқ эркинлик ва ваколатлар берилганда юзага келади.

Демак, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш-республика ҳокимият органлари томонидан ҳудудларни иқтисодий ривожланишига ҳамда бу ривожланиш билан боғлиқ ижтимоий жараёнларга таъсир этиш воситаси бўлиб, унинг натижасида ҳудудий сиёсат рўёбга чиқади.

«Ҳудудий сиёсат» атамаси кенг тарқалган бўлсада ҳали унинг яна таърифи мавжуд эмас. Бу ўринда ундан «ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш» атамасига синоним сифатида фойдаланамиз, чунки худди шундай мазмун Фарб адабиётларида «ҳудудий сиёсат» атамасига берилади.

Хуллас, «Ҳудудий сиёсат»нинг таърифлари кўп. Уларни умумлаштирган ҳолда айтish мумкинки, ҳудудий сиёсат марказий ҳокимият органларининг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига танлама таъсир кўрсатиш мақсадидаги хатти-ҳаракатларидир. Ҳудудий сиёсатнинг бош мақсади — ижтимоий зиддиятлар юзага келишига замин яратувчи, мамлакат ёки ушшг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига гўшқинлик қилувчи тенгсизликларни мумкин қадар камайтиришдан иборат.

Давлат ҳудудий сиёсатининг асосий мақсадларига қуйидагилар киради:

- мамлакатда ҳудудий сиёсатнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратиш;
- ҳудудларнинг иқтисодий имкониятларидан қатъий назар, ягона минимал ижтимоий стандартларни ва тенг ижтимоий ҳимояни таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш;
- ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун шарт-шароитларни тенглаштириш;
- атроф муҳит ифлосланишини тўхтатиш ҳамда унинг ифлосланиши оқибатларини йўқотиш, ҳудудларни комплекс экологик ҳимоя қилиш;

-ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга ҳудудларни устувор ривожлантириш

-ҳудудларнинг табиий - иқлим хусусиятларидан тулиқ фоидаланиш;

-ўз - ўзини бошқариш кафолатланишини таъминлаш.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ҳудудий сиёсатни вазибалари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни прогно: қилиш.

2. Ҳудудлар иқтисодиёти ва ия^атимоий соҳа объектларига ривожлантиришда давлатнинг тўғридан - тўғри иштироки.

3. Давлат буюртмаларини жойлаштириш.

4. Маҳаллий ҳокимият имкониятлари чегараланган фаолия соҳаларида ҳудудларга ташкилий, ҳуқуқий ва ахборот кўмагиини кўрсатиш.

5. Иқтисодий механизм ва регуляторларни қўллаш.

6. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш.

Прогноз қилиш — ҳудудий тараққиёт стратегиясини плмп асослаш ҳудудий сиёсатни ишлаб чиқишнинг муҳим таркибий қисми, прогнозлар] ишлаб чиқшдан асоий мақсад — юз бераётган ва кутилаётг жараёнларнинг ривожланишини, ҳудудий сиёсат ва уни амалга ошир! воснталарн вариантлари, у ёки бу бошқарув қарорлари оқибатлари баҳолаш.

Ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа объектларини ривожлаштириш давлатнинг тўғридан-тўғри иштироки манзилли тартибга солиш йўллари бпрп сифатида намосн бўлади. Бунга мисол тарикасида мамлакат инвестицион лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни келтириш мумкин.

Худудий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизми бюджет тизими ҳисоблапади. Бюджетлар контрактлар асосида қабул қилинади ва ишлатилади.

Худудий ривожланишнинг макроиқтисодий регуляторлари давлат солиқ, кредит, инвестицион, нарх, ижтимоий ва бошқа сиёсатлари худудлар бўйича дифференциациялашган параметрлари сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, худудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисмидир.

1.2.Худудлар ишлаб чиқаришини модернизациялашга инвестицияларни жалб этишнинг хусусиятлари ва имкониятлари

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Мамлакатимиз жаҳон иқтисодиётида ҳамон давом этаётган инқирознинг салбий оқибатларига нафақат ишончли тарзда бардош бермоқда, балки макроиқтисодий ва ижтимоий ўсиш суръатларини сақлашга эришмоқда.

Айниқса, инвестиция соҳасида рўй бераётган таркибий ўзгаришлар эътиборга молик. Истиқлол йилларида мамлакатда самарали қонунчилик базаси, хорижий сармоядорлар учун кенг кўламли ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар мажмуи яратилди, хориж капитали иштирокидаги корхоналар

фаолиятини рағбатлантириш бўйича яхлит чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бунинг афзалликларига қуйидагиларни мисол келтириш ўринли:

биринчидан, хорижий инвестициялар кўмагида корхоналарга замонавий техник-технологиялар жорий қилиниб, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади;

иккинчидан, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш, пировардида аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкони яратилади;

учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлашга кўмаклашади; **тўртинчидан**, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базаси янгиланади ва техник қайта қуролланади;

бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналар барпо этилади¹.

Айни дамда ҳукуматимиз томонидан минтақаларда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ички ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Маълумки, инвестицияларни кенг кўламда иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларига йўналтиришда тижорат банкларининг алоҳида ўрни бор. 2015 йилга мўлжалланган инвестиция дастурида тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмаларни молиялаштириш мақсадида **5 345 600 миллион сўм²** маблағ ажратилган

¹Д. Алматова. Минтақаларда инвестициялар жалб этишнинг муҳим йўналишлари. «O'ZIA» - «ЭВУ» 1/2012.

²Қ а р а н г: Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги пҚ-1668-сон Қарори, 1-илова.

бўлса, 2016 йилда ушбу рақам **5 870 000 миллион сўми** ташкил этиши кўзда тутилмоқда. бу эса ўтган йилга нисбатан 10 фоизга ўсишни кўрсатади (3.1.1-жадвал). Аҳоли жамғармалари эвазига ҳосил бўлаётган маблағларни инвестиция кўринишида сарфланаётганлиги ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Аҳолининг даромадлари асосан истеъмолга ва жамғармага йўналтирилади. Аҳолининг истеъмол ҳажмига нисбатан даромад ҳажмининг ўсиш суръати юқорилиги жамғарманинг ўсишига замин яратади. Жамғарма, ўз навбатида, инвестициянинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

3.1.1 - ж а д в а л

Ўзбекистон Республикасининг 2017–2018 йиллардаги Инвестиция дастурларида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари³

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2017 йил	2018 йил
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	40 605 781	49 938 511
1.	Марказлашган инвестициялар:	8 991 846	11 575 698
1.1.	бюджет маблағлари	1 800 000	2 100 000
1.2.	Мақсадли давлат жамғармалари маблағлари, <i>шу жумладан:</i> – суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	2 316 436	2 989 494
	жамғармаси	181 400	211 000
	– республика йўл жамғармаси	1 103 329	1 379 955
	– умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	944 367	1 086 927
	– Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	268 740	311 612
1.3.	болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	225 530	264 500
1.4.	Ўзбекистон республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	2 002 273	2 359 930
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	2 466 207	3 861 774
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	31 613 935	38 362 813
2.1.	Корхона маблағлари, шу жумладан, корхоналар тасарруфида колдириладиган солиқлар	11 818 348	14 239 900
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, <i>шу жумладан:</i> Наъмунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун имтиёзли кредитлар	5 345 600	5 870 000
		1 101 800	1 693 100
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	6 564 187	7 799 338

³Қ а р а н г: Ўзбекистон Республикаси президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги пҚ-2264 ҳамда 2015 йил 25 декабрдаги пҚ-2458-сон қарорлари.

2.4.	аҳоли маблағлари	7 885 800	10 453 575
------	------------------	-----------	------------

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2015 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида»ги 2458-сон Қарорининг 1-илоvasида жами капитал маблағлар 49 938 511 миллион сўм ҳажмида режалаштирилган. бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 23 фоизга кўп демакдир. Иқтисодиётга йўналтирилган жами капитал кўйилмаларнинг 23 фоизи марказлаштирилган инвестицияларни ташкил этган бўлса, қолган 77 фоизи марказлашмаган маблағлар, яъни корхоналар маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва аҳоли маблағларидан иборат бўлган. 2017 йилда давлат кафолати асосидаги хорижий инвестициялар миқдори 2 466 207 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 3 861 774 миллион сўмни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

Ушбу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб бормоқда. бу ҳам бўлса, мамлакатимиздаги иқтисодий барқарорликнинг таъминланганлиги, кўшма корхоналарнинг ривожини йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, хусусан, уларга яратиб берилаётган солиқ, божхона имтиёзлари, преференциялар, давлат рўйхатидан ўтказиш тизимининг соддалашганлиги (сертификат, гувоҳнома ва лицензиялаш тизими) ҳамда валютани эркин конвертациялаш билан боғлиқ қулайликларни акс эттиради.

Иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияларни жалб этиш орқали эса қуйидаги ижтимоий-иқтисодий самараларга эришилади:

- ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш миқдор ва сифат жиҳатдан ўсади;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқдорининг ўсиши давлат бюджетига тушаётган солиқ тушумларининг кўпайишига олиб келади;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигининг ошиши иш ҳақининг ортишига ва аҳоли фаровонлигининг юксалишига хизмат қилади;

– жаҳон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш орқали мамлакатнинг экспорт салоҳияти ўсади⁴.

Иқтисодий дунёда давлат томонидан тартибга солиш ташқи иқтисодий усуллар ёрдамида ҳам амалга оширилади. Бунда махсус восита ва дастаклар орқали мамлакатнинг ташқи дунё билан амалга ошириладиган хўжалик алоқаларига бевосита таъсир кўрсатилади. Товарлар, хизматлар, капитал ва фан-техника ютуқлари экспортини рағбатлантириш тадбирлари, экспортни кредитлаш, чет эллардан инвестициялар ва экспорт кредитларини кафолатлаш, ташқи иқтисодий алоқаларга чеклашлар киритиш ёки бекор қилиш, ташқи савдода бож тўловларини ўзгартириш, мамлакат иқтисодиётига чет эл капиталини жалб қилиш ёки чеклаш бўйича тадбирлар, мамлакатга четдан ишчи кучини жалб қилиш, халқаро иқтисодий ташкилотларда ва давлатлараро уюшмаларда қатнашиш мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солишнинг асосий воситаларидир.

Соҳалар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, диверсификациялаш натижасида иқтисодийнинг барча тармоқларида истеъмол талаби ва мамлакатимизнинг истиқболини кўзлаган ҳолда, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш орқали инвестицион маблағлар (ички ва ташқи) жалб этилмоқда.

1.2.2 - ж а д в а л

Ўзбекистон Республикасининг 2017–2018 йиллардаги Инвестиция дастурларида кўзда тутилган капитал қўйилмалар манбалари ва уларнинг динамикаси⁵ (млн. сўм)

Капитал қўйилмалар манбаи	2015 йил, жамига нисбатан фоизда	2016 йил, жамига нисбатан фоизда	Ўтган йилга нисбатан ўзгариши, фоизда
Марказлашган инвестициялар:	22,1%	23,2%	29 %
бюджет маблағлари	4,4%	4,2%	17 %
Мақсадли давлат жамғармалари маблағлари	6,2%	6,0%	20 %
болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	0,6%	0,5%	17 %
Ўзбекистон республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	4,9%	4,7%	18 %
Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар	6,1%	7,7%	57 %

⁴Р. Қаландаров. «Биржа Эксперт» журнали. 2012 йил, № 6.

⁵Қ а р а н г: Ўзбекистон Республикаси президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги пҚ-2264 ҳамда 2015 йил 25 декабрдаги пҚ-2458-сонли қарорлари.

Марказлашмаган инвестициялар:	77,9%	76,8%	21 %
Корхона маблағлари, шу жумладан, корхоналар тасарруфида қолдириладиган солиқлар	29,1%	28,5%	20 %
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	13,2%	11,8%	10 %
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	16,2%	15,6%	19 %
аҳоли маблағлари	19,4%	20,9%	33 %
Жами капитал қўйилмалар	100,0%	100,0%	23%

Айниқса, инвестициявий кредитларни тармоқлар бўйича диверсификациялаш республика иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашга ҳамда энергия тежамкор ва юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ролини янада кенгайтириш борасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Монетар сиёсатнинг иқтисодий ўсиш ва бандликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари доирасида тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори субъектлари ҳамда аҳолини кредитлашни янада кенгайтириш 2018 йилда ҳам устувор вазифа сифатида давом эттирилади.

2018 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига ажратиладиган кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмининг 2017 йилга нисбатан 25 фоиздан зиёд ўсиши прогноз қилинмоқда. Хусусан, жорий йилда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо қилиш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда қишлоқ жойларда замонавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги янги тураржойларни барпо этиш мақсадларига тижорат банклари томонидан барча манбалар ҳисобидан 12 трлн. сўм миқдорида ёки 2015

йилга нисбатан 1,8 трлн. сўмдан зиёд миқдорда инвестицион кредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

2018 йилда тижорат банкларининг инвестицион фаолиятида асосий эътибор 2015–2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий янада ислоҳ қилиш, таркибий қайта ўзгартириш ва модернизациялаш дастурини ташкил этувчи, шу жумладан:

- иқтисодий таркибий жиҳатдан ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш;

- тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;

- муҳандислик-коммуникация ҳамда йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш;

- иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфини камайтириш, энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича чоратadbирлар дастурларидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этишга қаратилади. шунингдек, аҳолининг ўсиб бораётган истеъмол эҳтиёжларини маҳаллий товарлар ҳисобига тўлиқ қондириш ҳамда ушбу маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш мақсадида барча ҳудудлар, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун истеъмол кредитлари бериш ҳажмлари ошириб борилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни янада фаоллаштириш мақсадида 2016 йилда ўзининг кичик хусусий ишини, ўз бизнесини ташкил этишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар ажратиш, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари ҳамда узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишлар банк тизими фаолиятининг диққат марказида бўлади.

Республика ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2017 йилда тижорат банклари томонидан 14,0 трлн. сўм ёки 2016 йилга қараганда 1,2 баробар кўп миқдорда кредит ажратилиши прогноз қилинмоқда шу билан бирга, ҳудудларда кредит олиш жараёнида инвестицион лойиҳалар ва бизнес-режалар пухталигини таъминлаш мақсадида маслаҳат хизматлари кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

1.3. Республика ҳудудлари иқтисодиётини модернизациялашга инвестициялар жалб қилишнинг шарт-шароитлари

Мамлакатимизда инвестиция соҳасида мустаҳкам қонунчилик базаси шаклланган бўлиб, у йилдан-йилга янада такомиллаштирилиб борилмоқда. Хусусан, республикада инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эл инвестицияларининг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги ҳамда 1998 йил 24 декабрдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунлар мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини яхшилашга ва иқтисодиётга инвестиция киритиш ҳажмларини оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бошланганидан буён «инвестиция» тушунчасидан кенг фойдаланилмоқда. Қисқа муддат мобайнида инвестиция тушунчаси иқтисодий адабиётларда, тадбиркорлик фаолиятини юритиш амалиётида ва, умуман, кенг муомалада мустаҳкам ўрин эгаллади. Турли иқтисодий адабиётлар ҳамда амалий фаолият йўналишларида инвестициялашнинг мақсади, молиялаштириш манбалари, тармоқ йўналиши, объекти ва бошқа жиҳатларига қараб турлича талқин берилади. Ж.кейнс инвестицияларни ушбу даврнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида капитал мулк баҳосининг жорий ортиши тарзида «ушбу даврда топилган

даромаднинг истеъмолга ишлатилмаган қисми» деб таърифлайди⁶. Айрим иқтисодчилар томонидан «инвестициялар даромад (фойда) олиш ҳамда ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик объектларига ва бошқа фаолият турларига йўналтириладиган пул маблағлари, мақсадли омонатлар, акциялар, бошқа турдаги қимматли қоғозлар, технологиялар, машиналар, ускуналар, лицензиялар, ҳар қандай бошқа мол-мулк ёки мулк ҳуқуқлардир» деган таъриф берилади. Д. Ғозибековнинг фикрича, бундай нуқтаи назарга эга иқтисодчилар турли активларнинг мулк шаклини инвестициялашнинг ресурс манбалари билан чалкаштириб юбораётган кўринадики, чунки мавжуд активлар ҳамisha ҳам инвестициялаш учун капиталнинг умумий фондини кўпайтирмаслигини унутмаслик лозим⁷⁸.

Бошқа бир тоифа иқтисодчилар эса инвестицияларни жорий даромад олиш ёки келажакда уларнинг қийматини ошиб боришини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига пул, моддий ва номоддий шаклда йўналтирилган узок муддатли капитал маблағлари, деб атайдилар⁹.

Умуман олганда, иқтисодиётда инвестициялар капиталнинг жамғарилиш жараёнидир. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини кўриб чиқишда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, иқтисодий адабиётларда «инвестициялар» атамасини «капитал қўйилмалар», «капитал» тушунчалари билан айнан бир хил маъноларда қўллаш ҳолатлари кўп учрайди. бундай ҳолларда инвестициялар асосий капиталга маблағлар қўйиш маъносида талқин қилинади. шу ўринда айтиш ўринлики, инвестициялар тушунчаси кенгроқ маънони англатиб, ўз ичига номоддий активлар, интеллектуал мулк ва айланма активлар, шу жумладан, молиявий воситаларга йўналтирилган маблағларни ҳам киритади.

⁶ Дж. кейнс. общая теория занятости, процента и денег. – М.: «прогресс», 1978. 117-бет.

⁷ Д. Ғозибеков. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. банк-молия академияси, –Т.:2000. ⁸ - бет.

⁹ А.н. гаврилова. финансовый менеджмент. – М.: «кнорус». 2005. 156-бет.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунида эътироф этилганидек, инвестиция тушунчаси иқтисодий ёки бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларни ифодалайди. Инвестициялар муҳим иқтисодий категория бўлиб, товар-пул муносабатлари тизимида макро даражада ҳам, микро даражада ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. унинг, авваламбор, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, асосий фондлар маънавий ва жисмоний эскиришини олдини олиш, ишлаб чиқаришни техникавий даражасини ошириш ва корхонани қолган мақсадларига эришишни таъминлашдаги ўрни беқиёсдир. шу билан бирга, ижтимоий ва экология муаммоларини, мамлакат миқёсида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш сиёсати ва фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар сифатини ошиши, ташқи савдо операциялари таркибининг ижобий бўлиши ва бошқа масалаларни ҳал этишни таъминлаши керак. шулардан ҳам кўришиб турибдики, инвестициялар иқтисодий категория сифатида мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини таъминлашда жуда муҳим функцияларни бажаради.

Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг турли манбалари мавжуд бўлиб, уларнинг амалдаги таркиби турли иқтисодий жараёнлар турига боғлиқдир. Инвестиция ким ва қайси мулк эгаси томонидан амалга оширилишига кўра: хусусий, нодавлат секторидаги инвестиция (акционерлик жамиятлари, фирмалар ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан янги корхоналар яратилиши, асбоб-ускуналар сотиб олинishi); ижтимоий (давлат) секторидаги инвестиция (давлат бюджети ҳисобидан темир йўл, электростанция, мактаб ёки соғлиқни сақлаш муассасалари қурилиши кабилар) ҳамда чет эл инвесторлари томонидан (хусусий, давлат) қўйилган инвестицияга бўлинади. бугунги кунда бюджет маблағлари, корхоналарнинг ўз маблағлари, аҳолининг бўш пул маблағлари, банкларнинг кредитлари, чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг маблағлари республикамизда инвестицияларни молиялаштиришнинг манбалари таркибида муҳим ўрин

эгаллайди. Республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этишни рағбатлантиришни кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги пф-4434-сон фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси президентининг мазкур фармонида, жумладан, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган, янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли эканликлари белгилаб берилди.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун берилadиган имтиёзлар қуйидаги иқтисодиёт тармоқларига жорий этилади:

1. Радио электроника саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш.

2. енгил саноат:

- тайёр ип газлама, жун газлама ва аралаш газламалар, шунингдек, трикотаж газлама ишлаб чиқариш;

- тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ва тўқимачилик галантереяси ишлаб чиқариш;

– табиий терилар ишлаб чиқариш, кўн-галантерея саноати, пойабзал саноати.

3. Ипакчилик саноати :

– шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.

4. Курилиш материаллари саноати: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ-3586-сон фармони 1а-илоvasида кўрсатилган курилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш.

5. парранда гўшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириш.

6. озиқ-овқат саноати: маҳаллий хом ашёдан саноат миқёсида қайта ишланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (алкоголли, алкогольсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно).

7. гўшт-сут саноати: гўшт ва сут маҳсулотларининг тайёр турлари, пишлоқ ва сариеғ, шунингдек, ҳайвонларнинг ички органларидан қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

8. балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда консервалаш.

9. кимё саноати.

10. нефть-кимё саноати.

11. Тиббиёт саноати, шунингдек, ветеринария учун дори воситаларини ишлаб чиқариш.

12. Қадоклаш материалларини ишлаб чиқариш.

13. Муқобил энергия манбалари негизда электростанциялар қуриш.

14. кўмир саноати:

– кўмирни бойитиш;

– кўмир брикетларини ишлаб

чиқариш; – сланец саноати.

15. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган электроферросплав ва металл буюмларни ишлаб чиқариш.

16. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш :

– машинасозлик;

– трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги;

- курилиш, йўл ва коммунал машинасозлик;
- енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший асбоблар машинасозлиги.

17. станоксозлик ва асбобсозлик саноати.
18. шиша ва чинни-фаянс саноати.
19. Микробиология саноати.
20. Ўйинчоқлар ишлаб чиқариш.

Мухтасар айтганда, 2017 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча муҳим йўналишларида кенг кўламли модернизация жараёнлари изчиллик билан давом эттирилди. Бунинг учун, яъни ички ва ташқи инвестиция маблағларини иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқ ва соҳаларига юқори кўламда жалб этиш борасида инвестиция сиёсати тўғри ва оқилона амалга оширилди. Ўйлаймизки, бундай ҳаракатлар тизимли ва мантиқий, янада юқори суръат касб этгани ҳолда 2018 йилда ҳам амалга оширилади. унинг самараси эса халқимизнинг ҳаётини янада яхшилаш, фаровон, тинч ва осуда турмуш кечириш, мамлакатимиз раванқини янада кўтаришга, ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишимизга хизмат қилади.

II. БОБ. Худудларда ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг устувор йўналишлари

2.1. Минтақалар иқтисодиётини модернизиациялашнинг асосий йўналишлари

Бугунги глобаллашув жараёнлари жадаллашаётган шароитда мамлакат иқтисодиётининг юқори суръатларда ўзгаришига таъсир кўрсатадиган соҳалардан бири - бу халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро молия бозори институтлари билан алоқаларни кенгайтиришни талаб этади.

Етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан алоқаларни кенгайтириш орқали:

халқаро молиявий институтлар пул маблағларини жалб қилиш орқали молиялаштириладиган инвестициявий лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шу жумладан:

2016-2020 йиллар давомида 27 та лойиҳани амалга ошириш учун Жаҳон банки кредитларини жалб этиш;

2017-2019 йиллар давомида 20 та лойиҳани амалга ошириш учун Осиё тараққиёт банки кредитларини жалб қилиш.

Ислон тараққиёт банкининг 1 миллиард доллардан кам бўлмаган миқдордаги кредитларини жалб қилишни кўзда тутадиган инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш масаласини ишлаб чиқиш орқали 2017-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Ислон тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш.

Устувор ижтимоий-иқтисодий, инфратузилмавий ва бошқа лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган чет эл ҳукумат ташкилотларининг (Хитой экспорт-импорт банки, Корея экспорт-импорт банки, EDCF Фонди, Япон халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA), Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги (ШТҲА), Франция тараққиёт агентлиги (ФТА), Европа ҳамкорлик комиссиялари ва ҳоказо) имтиёзли кредит ҳамда грант маблағларини жалб қилиш имконининг яратилиши Ҳаракатлар стратегиясида келтириб ўтилган.

Шунингдек, етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, жалб қилинаётган ташқи сармоя бўйича юзага келадиган харажатларни камайтириш мақсадида Ўзбекистоннинг кредит рейтингини яхшилаш ҳамда юқори суверен рейтинг кўрсаткичларига эришиш мақсадида етакчи халқаро рейтинг ва суғурта агентликлари (S&P, FITCH, MOODY'S ва ҳоказо) билан учрашув ва давра суҳбатларини мунтазам равишда ўтказиб бориш лозим.

Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган чора-тадбирларни амалга ошириш учун қуйидаги сарф-харажатларнинг қилиниши режалаштирилган:

Жами харажатлар учун 37 687,8 миллиард сўм ва 8 349,3 миллион АҚШ доллари ажратилади. Шундан:

-жадвал. Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган чора-тадбирларни амалга ошириш учун режалаштирилган сарф-харажатлар

№	Молиялаштириш манбалари	Миллий валютада, млрд. сўм	АҚШ долларида, минг доллар
1.	Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	5 263,1	1 625,8
2.	Ижрочилар ва хайрия ташкилотлари маблағлари	15 423,0	311 510,0
3.	Тижорат банклари кредитлари	16 941,2	-
4.	Халқаро ташкилотлар, молия институтлари маблағлари ва бегараз ёрдам	60,5	8 036 157,8

2017 – 2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баробар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизга, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизга ошади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди¹⁰. Ушбу Ҳаракатлар

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли [Фармони](#). // Халқ сўзи, 8 февраль 2017 йил.


стратегиясида иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатдошлигини ошириш масаласи туради.

Мамлакатимизда ўтган 2016 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга ўсганлиги, саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоизга, хизматлар – 12,5 фоизга ўсганлиги, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдоридан профицит билан ижро этилганлиги, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланганлиги, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмаганлиги ва 5,7 фоизни ташкил этганлигини санаб ўтишимиз мумкин.

Иқтисодий модернизациялаш, ислохотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш, амалда фаолият юритаётган техника ва технологияларни янгилаш, уларни қўллаб-қувватлаш инвестицион жараёнларни нечоғлиқ тўғри ва самарали амалга оширишга боғлиқ.

Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикасида *ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга* алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун марказлашган, марказлашмаган жамғармалар маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришга ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига урғу берилмоқда.



-rasm. 2016 yilda Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (2015 йилга нисбатан фоизда)¹¹

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

2018 йилда иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ долларидан кўп инвестиция киритилди, бу 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган чет эл инвестиция ва кредитлари ҳажми эса 11,3 фоизга ўсиб, 3,7 миллиард доллардан зиёд бўлди.

2018 йилда Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард долларлик 164 та йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Жумладан, Талимаржон ИЭСда 450 МВт қувватли иккита буғ-газ турбинаси ва Ангрен ИЭСда кўмир кукунидан фойдаланишга мўлжалланган 130-150 МВт қувватли энергия блоки қуриш, Жиззах вилоятидаги цемент заводи қувватини кенгайтириш, «Индорама Қўқон текстиль» хорижий корхонаси ва «Фантекс» МЧЖда йигирув ишларини ташкил этиш, «GM Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида «Т-250» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», шу билан бирга, «Сирдарё вилоятидаги «Guliston

¹¹<http://www.uza.uz/oz/politics/zbn-respublikasi-vazirlar-ma-kamasining-mazhlisi-t-ris-15-01-2017>

Med Texnika» кўшма корхонасида стерил шприцлар ишлаб чиқариш" ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидандир¹².

Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида 2018 йилда 28 мингдан кўп лойиҳа амалга оширилди.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатдошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, ЎзТТЖ, тижорат банклари кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан 2017 - 2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдорига 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилади.

Натижада келгуси 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баробар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизга, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизга ошади. 2017 йилда 75 дан ортиқ янги турдаги рақобатдош тайёр маҳсулотлар ўзлаштирилади.

2017 йилда умумий қиймати 1 миллиард долларлик 145 та ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш, шу жумладан:

мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 147 миллион долларлик 63 та лойиҳа;

рангли ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш бўйича 217 миллион долларлик 6 та лойиҳа;

кимёвий хом ашёларни чуқур қайта ишлаш бўйича 25 миллион долларлик 2 та лойиҳа;

углеводород хомашёларини қайта ишлашни чуқурлаштириш бўйича 342 миллион долларлик 6 та лойиҳа;

¹² www.gov.uz/uz/news/category/1

тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича 6 миллион долларлик 9 та лойиҳа;

фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оширишга йўналтирилган 24 миллион долларлик 7 та лойиҳа;

қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича 151 миллион долларлик 29 та лойиҳа;

тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича 178 миллион долларлик 15 та лойиҳа.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида 2017-2020 йилларда аҳолининг энергия таъминотини яхшилаш учун кўмир казиб олиш соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан кўмир казиб олишни йилига 7,8 миллион тоннага ошириш имконини берувчи инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, уларнинг натижалари атрофлича муҳокама қилинмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш масаласини ҳал этиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётнинг таянч тармоқларидаги 4400 дан ортиқ корxonанинг рентабеллик даражасини ошириш ва молиявий соғломлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини юксалтириш асосида ишчилар сонини кўпайтиришга эришиш режалаштирилган. Бу тадбирлар натижасида корxonаларнинг рентабеллик даражаси ошади, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ва ишчилар сони кўпаяди.

Иқтисодиёт таркибида саноатнинг ривожланиш динамикасидаги муҳим ўзгариш корxonалар ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш асосида саноатда чуқур таркибий ўзгаришлар ва диверсификациянинг амалга оширилгани ҳисобланади.

Саноат сиёсатидаги асосий устувор аҳамият институционал ислоҳотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, саноат ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ўрта ва узок муддатда саноатни ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Ҳаракатлар стратегиясида юқори технологияларга асосланган қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш зарурати алоҳида таъкидланди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ва саноат тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 6,6 фоизга ўсишини таъминлади. Юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган саноат тармоқларида динамик ривожланиш таъминланди. 2016 йилда маҳаллий хомашё ресурсларини босқичма-босқич чуқур қайта ишлаш ва тайёр истеъмол маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш тармоқлари эвазига саноат маҳсулотларининг юқори ўсиш суръатларига эришилди. Хусусан, тўқимачилик буюмлари, кийим ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш 111,7 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари 110,8 фоиз, фармацевтика маҳсулоти ва препаратлари 123,9 фоиз, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари 129,7 фоиз, бошқа норуда минерал маҳсулотлар 113,8 фоизга ошди.

Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга самарали

татбиқ этилиши натижасида республика ЯИМга сарфланадиган энергия сарфини 7,4 фоиз, ҳамда йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини эса ўтган йилга нисбатан ўртача 10,6 фоиз камайтиришга эришилди.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида 2017 йилда саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ўртача 8 фоизга қисқартириш ва рақобатдошлигини оширишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган. Шу жумладан, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу йўналишга корхоналарнинг маблағлари ва тижорат банклар кредитлари ҳисобидан 602 000,0 миллион сўм инвестициялар йўналтирилади, бу эса маҳаллий маҳсулотларнинг, биринчи навбатда, ташқи бозорларда рақобатдошлигини ва тармоқларнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатдош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш бўйича вазифалар белгиланган.

Мазкур йўналишда авваламбор 2017 йилда ушбу соҳани тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш назарда тутилади. Мазкур қонунда қуйидагилар акс эттирилиши режалаштирилган:

корхоналарнинг бирлашиши ва қўшиб олинишида монополияга қарши органнинг дастлабки розилигини олиш талабларини бирхиллаштириш;

рақобатни чекловчи келишувлар, битимлар ва келишилган ҳаракатларга қарши кураш механизмларини такомиллаштириш;

устун мавқега эга бўлган корхоналарнинг акция ва улушларини сотиб олишда тадбиркорлик субъектларининг ҳужжатларини кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш;

манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш мақсадида шубба корхоналар томонидан таъсисчининг устав фондидан улуш сотиб олишини ва шубба корхона вакилларининг таъсисчи кузатувчилар кенгашида аъзолигини тақиқлаш.

2.2. Минтақалар иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялашда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг оқилона йўллари

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ҳисобот даврида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, “Jeneral Motors Pavertreyн O‘zbekiston” қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобил двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобил генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди.

Ўзбекистон — катта иқтисодий ва инвестициялар имкониятига эга бўлган мамлакатдир. Ҳар бир давлатнинг иқтисодий сиёсатида инвестиция сиёсати муҳим ўрин тутади. Инвестиция сиёсати бўйича янги асосий фондлар барпо этилади, амалдагилар яхшиланади, ишлаб чиқариш кучларидан яхшироқ фойдаланилади, илмий-техника тараққиёти юксалади. Бошқача қилиб айтганда, инвестиция сиёсати иқтисодиётнинг қўйилмалар асосида ривожланишини кўзда тутади, унинг рақобатбардошлигини оширади, турмуш даражасини яхшилади, умуман келгусидаги иқтисодий ўсишни таъминлайди. Бугун Марказий Осиё регионидаги газ конденсати захираларининг 74 фоизи, нефтнинг 31 фоизи, табиий газнинг 40 фоизи ва кўмирнинг 55 фоизи Ўзбекистон улушига тўғри келади. Бугунги кун истикболи бўйича нефт ва газ ресурсларининг пулдаги эквиваленти 1 трлн. АҚШ долларидан кўп қийматда баҳоланмоқда.

Мамлакатда гидроэнергетика ресурсларининг маълум потенциали мавжуд, олтин, кумуш, уран, мис, молибден, волфрам каби қимматбаҳо ва камёб металлларнинг улкан захираси бор. Ўзбекистон олдиндан пахта ва ундан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчиси бўлиб келмоқда. Агар бутун Марказий Осиёда 2 млн. тонна пахта — толаси ишлаб чиқарилса, унинг 1,5 млн. тоннаси бизнинг республикамизга тўғри келади. Жаҳон бўйича мамлакатимиз пахта — толаси ишлаб чиқариш бўйича 5 — ўринни, унинг экспорти бўйича 2-ўринни эгаллайди. Ҳозир Ўзбекистон 5млн. тонна сабзаёт —мева маҳсулоти ишлаб чиқармоқда, бу эса ички бозор талабидан юқоридир.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг чет эл инвестициялари кўйилмалари 18 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

Ҳозирда Ўзбекистонда амал қилинаётган қонунчиликка мувофиқ чет эл инвесторлари республика ҳудудида ўз инвестицион фаолиятларини қўшма фаолият асосида ташкил этилган корхоналар низом фондларида улушли иштирок этиш ҳамда чет эл инвесторларининг тўлиқ эгалигида бўлган хўжалик объектлари, акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар, савдо объектлари, хизмат кўрсатиш соҳаси, ердан фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ҳам ташкил қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда республикамиз Корея, АҚШ, Россия, Япония, Буюк Британия, Туркия, Хитой каби 30 та мамлакатлар билан инвестиция алоқаларини ўрнатган. Ўзбекистон ҳукумати тамонидан қўллаб-қувватланган чет эл инвестиция ва кредитларни тўғридан-тўғри реализация этиш инвестицион дастури 515 млн. АҚШ доллари ҳажмида молиялаштиришни кўзда тутди, улардан 100 млн.ни «Ўзбекенгилсаноат» тикувчилик ва тўқувчилик компаниясига, 209 млн. дан юқориси «Ўзбекнефтегаз» нефт ва газни қазиб олиш холдинг компаниясига, 26 млн. доллари «ЎзФармсаноат» фармацевтика корхоналари ассоциациясига кўйилган.

Шу ва бошқа инвестицион лойиҳаларнинг тадбиркорлик фаоллигини ўсиши билан мос келиши мамлакат ЯИМ да кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик қўйилмаларининг ошишига сабаб бўлади. Агар 2016 йилда уларнинг ЯИМдаги улуши 54,0 фоизни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда унинг янада ошиши кутилмоқда.

Бугунги кунга келиб ва бундан сўнг ҳам бозор муносабатларига асосланган Ҳукуматимизнинг асосий эътибори мамлакатга хорижий инвесторлар ва чет элликларнинг қизиқишини уйғотиш ва бунинг ҳисобига қўшимча капиталга эга бўлишга қаратилмоқда. Бунда инвестицион лойиҳаларни хорижий инвестор капитали ҳисобига молиялаштириш инвестиция маблағлари билан бирга янги ва замонавий технологияларни ҳам иқтисодиётга олиб киришини алоҳида эътиборга олиш лозим.

Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва салоҳияти унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг оқилона йўллари танлаш Ўзбекистон учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини изчиллик билан ўтказиш, маблағларни республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи устувор йўналишларда мужассам қилиш республикамизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий тамойилларидандир.

Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг таракқиёт даражаси ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишида хорижий инвестициялар муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида, мамлакатимиз миллий иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун биринчи галда, улар учун

кулай муҳит, кафолат ва рағбатлантирувчи иқтисодий омилларни кучайтиришни тақозо этади.

Сўнгги йилларда мамлакатга хорижий сармояларнинг жалб қилиниши сезиларли тарзда ошиб бормоқда. Масалан: 2007 йилда давлат кафолати остида асосий капиталга инвестициялар ҳажми 231,6 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 487,6 млрд сўмни, 2009 йилда эса 570,6 млрд сўмни ташкил этган.

2017 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010-йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

Иқтисодиётимизнинг реал секторига қарийб 2 миллиард 900 миллион доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Мамлакат иқтисодиётининг сезиларли даражада ўсишга эга бўлишида мамлакатдаги бугунги кун қонунчилигига кўра ўрнатилган барқарор инвестицион муҳит ҳисобига тўғридан-тўғри киритилаётган хорижий инвестициялар муҳим ўринни эгалламоқда.

Мамлакат қонунчилиги инвестицияларни рағбатлантиришга йўналтирилгандир. «Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоялаш ва кафолатлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бунга яққол мисолдир. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасида инвестицион фаолиятни амалга ошираётган хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш ва кафолатлашни амалга оширади.

Қонуннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини белгилаш;

— Хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияларининг алоҳида турлари учун қўшимча имтиёлар бериш ва улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини белгилаш;

Давлат мамлакатда инвестицион фаолиятни амалга ошираётган хорижий инвесторлар ҳуқуқларини кафолатлайди.

Хорижий инвесторнинг Ўзбекистон Республикасида орттирган даромадлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта инвестиция қилиниши мумкин.

Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар қуйидаги қонуний ҳуқуқларга эга бўладилар:

- исталган тижорат банкида хорижий ва маҳаллий валютада ҳисоб рақамини очиши ундан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланиши мумкин;
- хорижий валютада ссудалар олиши ва қайтариши мумкин.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш давлат сиёсатида муҳим вазифалардан бири эканлиги шубҳасиз. Мамлакат иқтисодиётига йўналтирилаётган хорижий инвестицияларни марказлашган ҳолда назорат қилиш ва улар киритилишини тезлаштириш мақсадида Давлат Инвестиция дастури қабул қилинган бўлиб, бу мазкур дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида иқтисодиётни юксалтиришда ҳал қилувчи вазифани бажармоқда.

Ҳукуматимиз томонидан қулай инвестиция сиёсатини олиб бориш мақсадида қуйидаги тамойилларга устувор аҳамият қаратилмоқда: ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш; республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри капитал қўйилмаларнинг кенг жалб қилинишини таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларни янада

такомиллаштириш; юртимизга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб кирувчи, миллий хўжаликнинг замонавий тузилмасини ташкил этишга

кўмаклашувчи чет эл инвесторларига нисбатан қулай шароитлар яратиш сиёсатини изчил олиб бориш; энг муҳим устувор йўналишларга маблағларни йўналтириш

. Бундан кўринадики, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, замон талабларига мос бўлган товар ва хизматларни ишлаб

чиқариш ва айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кейинги тўлқинлари зарбасига ижтимоий-иқтисодий талофатларсиз бардош бериш,



уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда комплекс ёндашувларга урғу берилмоқда.


-расм.2012-2017 йиллар Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича улуши.

-расмдан маълумки, Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимотида нефть-газ тармоғининг улуши - 68,9%, алоқа, ахборотлаш соҳасининг улуши – 6,9 % ни, қишлоқ хўжалигининг улуши эса 2,9 %ни ташкил этмоқда.

2017 йилда ҳудудий инвестиция дастури доирасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мутлоқ қиймати 402 миллион долларни ташкил этган. Ҳудудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг катта қисми Тошкент шаҳри (39,2 фоиз) ҳиссасига тўғри келган ва хорижий сармоялар иштирокида фаолият олиб бораётган корхоналар сони мазкур йилда 273 тага кўпайган.

-расм.2017 йилда хориж сармояси иштирокидаги корхоналар сони

Умумий ҳисобда мамлакатимиз бўйича 2017 йилда хориж сармояси



иштирокидаги корхоналар сони 372 тани ташкил этган. Бошқа ҳудудларимиз бўйича маълумотлар 2 - расмда келтирилади.

2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони жами 4575 тани, шундан фаолият олиб бораётган корхоналар сони 4203 тани ташкил этган. Фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг 1600 таси ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар ҳисобланади.

Юртимизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция жараёнининг фақат давлатнинг таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашувини назарда тутди. Эркин бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шароит Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга

барқарор қизиқишини уйғотмоқда. Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз ҳам хорижий инвесторларни ҳамкорликка жадал жалб этмоқда.

Айни вақтда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар барпо этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олмоқда: корхонани ташкил этиш сабабларини инобатга олиш; ишончли шерик танлаш; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона барпо этиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташкил этиш сабабларининг асосан уч туркумини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар ички, ташқи ва стратегик сабаблардир.

Ички сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат:

-яратилган инвестиция муҳитидан фойдаланиш; бошқарувнинг янги усулларини ўзлаштириш;

-замонавий ва энг қулай тартибга эришиш;

-маҳаллий ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш;

-хориж бозорига кириб боришни тезлаштириш; ижтимоий, маданий ва сиёсий билимларни кенгайтириш;

- ходимлар малакасини ошириш.

Ташқи сабаблар таркиби қуйидагича:

-жаҳон бозорига чиқиш;

-соғлом ва самарали рақобат муҳити;

-хорижий иқтисодий алоқаларнинг яхшилиги;

-маҳаллий хокимиятнинг талаблари.

Стратегик сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат:

-мамлакатда замонавий иш юритиш усулларида фойдаланиш имконияти;

-мустаҳкам хомашё базасига эга бўлиш;

- технологиялар трансферти;

-ишлаб чиқаришни кенгайтириш¹³.

Инвестицион фаоллик барча соҳа ва тармоқларда жадал суръатларда амалга ошириб келинмоқда. Биргина Давлат мулки қўмитаси томонидан 2016 йилда 135 та олди-сотди шартномаси бўйича инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши назоратга олинган. 2016 йилда 88,1 миллион доллар ва 22,5 миллиард сўмлик инвестиция мажбуриятлари бажарилган. Шундан 1 миллион доллар ва 18,5 миллиард сўмлик қисми “ноль” қийматда сотилган объектлар бўйича бажарилган инвестиция мажбуриятлари ҳисобланади.

Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши юксак даражада тараққий этишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлган. Аммо яна бир ҳақиқат мавжудки, чет эл инвестицияларини керагидан ортиқ жалб этиш ҳам мамлакатни иқтисодий ва сиёсий қарамликка олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор аҳамият берилмоқда.

¹³ Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 89-90-б.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жаҳон хўжалигини ривожлантиришда халқаро капитал миграцияси муҳим аҳамиятга эга, чунки у мамлакатнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалари мустақамланишига олиб келади, уларнинг ташқи савдо айланмаларини, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиради, иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини, импортчи мамлакатлар техник салоҳиятини ўстиради ва мамлакатдаги бандликни оширади¹⁴.

Ушбу ўринда хорижлик олимларнинг фикр-мулоҳазалари, тадқиқотларига мурожаат этадиган бўлсак, маркетингшунос олим М.Портер йирик трансмиллий компаниялар ва хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатларнинг стратегияси мавжуд рақобат устунлигидан фойда кўришга асосланганини исботлади. У рақобат устунлигини тўрт йўналишга бўлади: корпоратив бошқарув устунликлари; ишлаб чиқариш омиллари устунлиги; мамлакатдаги талаб ҳажми; кўмакчи ва қўшимча тармоқларга боғлиқ устунлик.

М.Портер ушбу омиллар синтезини “рақобат афзалликлари бриллианти” деб номлайди ва улар капитални четга чиқаришнинг муваффақиятини кафолатлашини назарда тутди. Қўшимча омиллар сифатида эса давлатнинг оқилона сиёсати ва “омадли вазиятлар”ни келтиради. Шунингдек, олим мамлакатда ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш тармоқлари мавжудлиги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қабул қилувчи мамлакат учун катта рақобат устунликлари ва имкониятларини яратишини исботлайди. Бунинг учун давлат тармоқ ва соҳалар бўйича кластерларни ривожлантиришга туртки бериши кераклигини таъкидлади. Масалан, мамлакатда замонавий озиқ-овқат саноатини ривожлантириш аграр соҳа маҳсулотлари (сут, гўшт, полиз маҳсулотлари, мева ва бошқалар) ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни, шунга мос равишда тегишли ҳажмдаги ўраш ва қадоқлаш ускуналари, замонавий

¹⁴ Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари./ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон, 38-б.

чакана савдо тизими мавжудлигини талаб этади; мамлакатда қишлоқ қурилишини жадаллаштириш учун эса замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни, коммунал хўжалик тизими ҳамда инфратузилма хизматлари ривожланишини тақозо этади.

Юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда иқтисодиёт бирёқлама эмас, балки кўпёқлама, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш орқали комплекс ривожлантириб борилмоқда.

Инвестиция сиёсати нафақат капитал маблағлар миқёсини оширишни, балки уларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини такомиллаштиришни, инвестицияларни кўпроқ самарали ва рақобатдош ишлаб чиқаришларга йўналтиришни кўзда тутди.

2018 йилнинг инвестиция дастури прогноз кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, жами капитал қўйилмалар 23 679 70 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Бу ўтган йилга нисбатан 14,2 фоизга кўп демакдир. Режа бўйича марказлашган инвестициялар умумий капитал қўйилмаларнинг 24,2 фоизини, марказлашмаган инвестициялар эса 75,8 фоизни ташкил қилиши белгилаб қўйилган.

Ҳар доимгидек, корхона ва аҳоли маблағларининг улуши бошқа манбаларга нисбатан юқори бўлиб, марказлашмаган инвестицияларнинг 56,1 фоизини ташкил этмоқда. Маълумки, инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича таркибининг шаклланиши иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнлари билан боғлиқ. Ишлаб чиқарувчиларга солиқ юқини пасайтиришга қаратилган солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаш-тиришга қаратилган чора-тадбирлар корхоналарнинг ўз маблағлари кўпайишига имконият яратди. Молиялаштириш манбалари бўйича марказлашмаган инвестициялар умумий

таркибида уларнинг улуши 2000 йилда 27,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 38,1 фоиз бўлиши режалаштирилган.

-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилдаги инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари¹⁵

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2017 йил прогнози, миллион сўм
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	23 679 701
1.	Марказлашган инвестициялар:	5 740 892
1.1.	Бюджет маблағлари	1 059 354,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан:	1 431 777
	- Республика йўл жамғармаси	680 796
	- Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	158 147
	- Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	545 836
	- Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	46 997,6
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 432 400
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан:	1 701 901
	Қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш (сўм эквивалентида)	301 564
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	17 938 809
2.1.	Корхона маблағлари	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан:	3 524 824
	АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш учун имтиёзли кредитлари	222 070
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	4 340 656
2.4.	Аҳоли маблағлари	3 237 604

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори. 1-илова.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитининг барқарорлиги ва инвестицион жозибадорликнинг тўғри йўлга қўйилгани ҳам хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун замин бўлмоқда. 2017 йилда сўм қийматида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг ажратилиши 4 340 656 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган.

Инвестицион жозибадорлик объект сифатида муайян бир миқёсда, яъни биронта лойиҳа, корхона, минтақа, тармоқ ҳамда мамлакат даражасида кўрилиши мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур тизимда корхона асосий таянч нуқта ҳисобланиб, ҳар бир инвестиция лойиҳаси муайян бир корхона миқёсида амалга оширилади, ушбу корхона эса иқтисодий фаолият туридан келиб чиқиб, муайян тармоққа (соҳага) тегишли бўлади. Шунингдек, у маълум бир минтақада жойлашгани сабабли минтақавий инвестиция жозибадорликни акс эттирса, барча минтақалар бирлаштирилганда мазкур кўрсаткич мамлакат даражасида акс эттирилади¹⁶.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари муҳим инвестиция институти ҳисобланади. Чунки иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва модернизация қилиш, корхоналарда ишлаб чиқаришни технологиялар билан қайта жиҳозлаш мақсадида қўйиладиган инвестицияларни маблағлар билан таъминлашни банклар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, 2016 йилги Инвестиция дастурида 3524824 миллион сўм маблағ айнан тижорат банклари томонидан кредит маблағлари сифатида йўналтирилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу рақам умумий марказлашмаган инвестицияларнинг 19,6 фоизини ташкил этмоқда.

Иқтисодиётнинг етакчи, авваламбор базавий тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни ва шунингдек, самарали таркибий ўзгаришлар ва инвестиция сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2006 йилда ташкил этилган, низом фонди бугунги кунда қарийб 7 миллиард

¹⁶ Эргашев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибадорликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омилилари. / Иқтисодиёт ва таълим. 2017 йил, 2-сон, 122 б.

доллардан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли тобора ортиб бормоқда, ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан 2017 йилда 1 432 400 сўм сарфланиши режалаштирилган.

Жамғарманинг энг асосий вазифаларидан бири – иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ривожини, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиши билан боғлиқ устувор вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган стратегик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдан иборат.

Ҳозирги пайтда жамғарманинг инвестиция портфелида умумий қиймати 18,5 миллиард доллардан ортиқ 55 инвестиция лойиҳаси мавжуд. Шунинг 4,3 миллиард доллари жамғарма маблағлари ҳисобидан биргаликда молиялаштирилади.

Жамғарма фаолият юритаётган давр мобайнида умумий қиймати 1,7 миллиард долларни ташкил этадиган 16 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳал этадиган яна бир муҳим вазифа хорижий инвесторлар, молия институтлари ва шерикларни инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш в амалга ошириш мақсадида мамлакатимизга кенг жалб этиш ҳисобланади. Жамғарманинг қўшма лойиҳаларда иштирок этиши Осиё тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Ислонд тараққиёт банки, Хитой экспорт-импорт банки, Хитой давлат тараққиёт банки, Корея тараққиёт банки ва бошқа хорижий молия институтлари, банк ва компанияларнинг маблағлари ҳисобидан 3,2 миллиард доллардан зиёд чет эл инвестицияси ва кредитларини жалб этиш имконини берди¹⁷.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ҳудудларининг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш республикамизда юритилаётган

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 58-59 б.

иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири бўлмоқда. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, турмуш шароитларининг яхшиланиши ҳам бевосита уларнинг иқтисодиёти ривожланиши билан боғлиқ. Мамлакат иқтисодиёти худудлардан таркиб топган бир бутун тизимни ташкил этгани сабабли, унинг ҳар бир минтақасидаги ривожланишни таъминлаш мамлакатимизнинг узлуксиз тараққиётига замин яратади.

Шундай экан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда мамлакат ва унинг минтақаларида яратилган инвестицион жозибадорлик ва нисбий афзалликлар муҳим ўрин тутади. Айнан ушбу омилларга инвесторлар томонидан алоҳида эътибор берилади. Худудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлашда турли услублардан фойдаланилади. Уларнинг бир-биридан фарқи инвестицион муҳитни белгиловчи кўрсаткич ва индикаторларни танлаб олишда намоён бўлади.

Юртимиз олимларининг тадқиқотларига кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлик индекси олтига элемент асосида ҳисобланади ва шу бўйича интеграл индекс аниқланади. Олинган маълумотларга кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини учта гуруҳга бўлиш мумкин .

Биринчи гуруҳга Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятлари киради ҳамда улар инвесторлар учун энг қулай ҳисобланади (индекс 0,755-0,347). Инвестицион жозибадорликнинг юқори бўлиши ушбу худудларда табиий-иқтисодий салоҳият, инфратузилма, жумладан, транспорт ва ахборот коммуникацияларининг ривожланиш даражаси юқорилиги билан белгиланади.

Иккинчи гуруҳни Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Наманган вилоятлари ташкил этади (индекс 0,322-0,288). Ушбу худудлар хорижий инвесторларнинг мавжуд қазиб олувчи ва қайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсатаётганига қизиқиши билан белгиланади.

Учинчи гуруҳга нисбатан кам ривожланган хуудлар – Хоразм, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси киради (0,284-0,234). Юқорида кайд этилган хуудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлатнинг иштироки юқори бўлиши лозим.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма — босқич ўтиш, тармоқлар иқтисодиётининг жадал ривожланиши ва унинг самарадорлигини

-жадвал.

Хуудларнинг инвестицион жозибadorлигини аниқлаш элементлари

№	Хуудлар	Хууднинг умумий иқтисодий ривожланиш даражаси	Хууднинг молиявий ресурслар билан таъминлиши	Инвестицион инфратузилма ривожланиш даражаси	Хууднинг демографик тавсифи	Институционал ўзгаришлар ва ривожланиш даражаси	Хууднинг инвестицион фаолият хавфсизлиги даражаси	Мутлақ интеграл ранг кўрсаткич
1	Қорақалпоғистон	0,0064	0,121	0,085	0,222	0,559	0,535	0,234
2	Андижон	0,341	0,151	0,276	0,426	0,560	0,594	0,367
3	Бухоро	0,304	0,144	0,165	0,413	0,509	0,511	0,315
4	Жиззах	0,198	0,049	0,075	0,388	0,496	0,506	0,151
5	Қашқадарё	0,362	0,542	0,266	0,382	0,370	0,386	0,382
6	Навоий	0,536	0,189	0,218	0,348	0,348	0,439	0,338
7	Наманган	0,141	0,118	0,183	0,374	0,531	0,554	0,285
8	Самарқанд	0,181	0,234	0,154	0,401	0,607	0,522	0,322
9	Сурхондарё	0,150	0,101	0,104	0,324	0,549	0,422	0,250
10	Сирдарё	0,185	0,037	0,147	0,320	0,317	0,723	0,247
11	Тошкент	0,434	0,197	0,366	0,493	0,611	0,362	0,404
12	Фарғона	0,317	0,241	0,331	0,470	0,289	0,573	0,347
13	Хоразм	0,171	0,113	0,199	0,310	0,529	0,535	0,284
14	Тошкент ш.	0,837	0,793	0,701	0,820	0,580	0,845	0,755

таъминлашда инвестициялар катта иқтисодий аҳамиятга эга. Бугунги кунда инвестицияларни бозор иқтисодиётига мослаштириш ва инвестицион фаолиятни бошқариш ўзгача ёндашишларни талаб этмоқда. Чунки, хўжалик юритишнинг замонавий йўлини танлаш инвестицион сиёсатни ҳам тубдан ўзгартиришни талаб қилади.

Иқтисодиётнинг самарадорлигини оширишда ва тараққиётида инвестиция катта роль ўйнайди. Бу ерда «ялпи инвестиция» ва «соф инвестиция»ларни ажратишади.

«Ялпи инвестиция» бу —маълум вақт мобайнида янги қурилиш, ишлаб чиқариш воситалари харид қилиш ва бошқа товар-моддий захираларни кўпайтириш мақсадида жалб этилган умумий маблағлар миқдори тушунилади.

«Соф инвестиция» деганда эса —маълум вақт мобайнида сарфланган ялпи инвестиция маблағларидан амортизация ажратмалари айириб ташлангандан кейин қолган сармоялар тушунилади.

Сармояларни жалб этиш муддатларига кўра— қисқа муддатли ва узок муддатли инвестицияларга бўлинади.

Қисқа муддатли инвестициялар — одатда бир йил муддатгача киритилиб (бунда қисқа муддатли депозит жамғармаларга маблағ қўйиш, қисқа муддатли жамғарма сертификатлари харид этиш) каби воситалар орқали амалга оширилади.

Узок муддатли сармоялар киритиш эса — 1 йилдан ортиқ муддатларга амалга оширилади. Амалиётда узок муддатли инвестициялар бир қатор бўлақларга ажратилиб ўтилади. Йирик инвестицион лойиҳалар одатда муддатларига қараб — 2 йилгача; 2 — 3 йилгача; 3 — 5 йилгача; 5 йилдан ортиқ кабиларга бўлиниб ишлатилиб келинмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Жаҳон банкининг методологиясига биноан, чет эл инвестицияларининг бир тури ҳисобланган инвестицион лойиҳаларни маблағлаштириш учун жалб этилаётган хорижий кредитлар ўз муддатларига кўра 3 турга бўлинади:

- қисқа муддатли кредитлар — 1 йилгача;
- ўрта муддатли кредитлар — 5 йилгача;
- узоқ муддатли кредитлар 5 йилдан ошиқ муддатгача эга бўлган кредитлар.

Инвестицияларни ҳудудий томондан амалга оширилиши бўйича — ички ва ташқи инвестицияларга ажратилади.

Ички инвестициялаш жараёнида сармоялар шу давлат ичидаги объектларга киритилади.

Ташқи инвестициялар эса— ушбу давлатдан ташқари объектларга сармоя жалб этиш тушунилади.

Чет эл инвестициялари хусусида гап олиб борганда, давлат ва хусусий инвестицияларни ажратмоғи лозим.

Бир давлат ёки давлатлар гуруҳи бошқа давлатга қарз, кредит бериши —бу давлат инвестициялари дейилади. Бу ҳолда сўз давлатлараро муносабатлар тўғрисида олиб борилмоқда. Ушбу муносабатлар халқаро шартномалар билан тартибга солинади ва уларга халқаро ҳуқуқ меъёрлари қўлланади. Шу билан биргаликда, хусусий банклар гуруҳи (консорциум) давлатга инвестиция бериши мумкин. Бу «диагонал» муносабатлар дейилади.

Бир давлатнинг хусусий фирмалари, компания ёки фуқаролари бошқа давлатнинг шундай субъектларига бериладиган инвестициялар хусусий дейилади.

Инвестиция муносабатлари шу даражада мураккаб ва хилма — хил бўлгани сабабли, кўп ҳолларда давлатлар орасидаги муносабатлар хусусий шахслар орасидаги муносабатларга чамбарчас боғлиқ бўлади. Бу, аввало,

суброгация ёки инвестор ўз ҳуқуқ ва талабларини давлатга топшириш жараёнида аниқ кўринади.

Халқаро валюта фонди таърифи бўйича, агар хорижий мулкдор акционер жамиятини низом капиталини камида 25% эга бўлса унда бу «бевосита» инвестиция ҳисобланади. АҚШ қонунлиги бўйича — камида — 10%, Европа ҳамжамиятида — 20 — 25%, Канада, Австралия ва Янги Зеландияда — 50% ларни ташкил этади.

инвестициялар (БХИ) учун белгилангандан кўра Ўзбекистон қонунчилигида бу рақам 30% деб белгиланган.

Бевосита инвестицияларни характерли томонлари:

— бевосита хорижий инвестицияларда сармоялар одатда бозордан тез чиқиб кетиш имкониятига эга эмас;

— портфель инвестицисларига нисбатан ҳажми ва таваккалчилик даражаси юқорилиги;

— капитал қўйилмалар муддатининг юқорилиги, бу чет эл капиталини импорт қилувчи хорижий мамлакатлар учун қулайроқ.

Бевосита хорижий инвестициялар қабул қилувчи мамлакатларга икки йул билан йўналтирилади:

— янги корхоналар ташкил қилиш;

— мавжуд компанияларни сотиб олиш ёки ютиб юбориш йўли билан.

Бевосита ҳаракат нуқтаи назаридан биринчи йўл иккинчи йўлга нисбатан арзонроқдир.

Портфел инвестициялари — бу шундай капитал қўйилмалар улуши бевосита хорижий камроқ. Портфел инвестициялар хорижий компаниялар устидан назорат ҳуқуқини бермайди, чунки сармоядорлар ҳуқуқи дивиденд олиш билангина чегараланади. Лекин айрим ҳолларда халқаро корпорациялар портфел инвестицияларга эга бўла туриб, хорижий корхона устидан назорат қўлга киритадилар. Бунинг икки сабаби бор:

— сармоядорлар орасида акцияларнинг бўлакраниб кетганлиги сабабли;

— қўшимча шартномавий мажбуриятлар мавжудлиги сабабли, бунда хорижий фирманинг мустақиллиги бироз чекланади.

Бу ерда маркетинг ва техник хизмат кўрсатиш учун тузилган лицензион ва франчайзинг келишув ва шартномалар кўзда тутилган.

Хорижий сармоядор деб тан олинган шахслар доирасини аниқлаш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Биринчидан, ички қонунчилик ҳамда халқаро шартномалар билан белгиланган ҳуқуқ ва имтиёзларнинг берилиши шахсинг хорижий сармоядор деб тан олиниши билан боғлиқ.

Иккинчидан, хўжалик фаолиятини амалга оширишга рухсат беришда ва рўйхатга олишда хорижий сармоядор мавқеи аҳамиятлидир.

Учинчидан, агар шахс маълум бир давлатда хорижий сармоядор деб тан олинган бўлса, унга мазкур мамлакат билан тузилган халқаро шартномада кўзда тутилган кафолат ва бошқа шартлар тарқатилиши мумкин, шунингдек, сармоядор шахс сармоя берувчи мамлакат томонидан дипломатик ҳимояга олинади.

2.3. Сирдарё вилояти иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар орқали ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг истиқболлари

Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда қисқа муддатда 161 та йирик саноат объекти ишга

туширилди. Бу биз учун келгуси йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Масалан, Тошкент иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмаси барпо этилди. Бу эса қўшимча равишда 2,5 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, Навоий иссиқлик электр станциясида иккинчи буғ-газ қурилмаси, Қизилқум бағридаги Авминзо-Амантой олтин конлари негизида гидрометаллургия заводи қуриш бўйича ишлар давом этмоқда.

Айни шу асосда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларга етди. Мазкур давр мобайнида кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,2 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 50,5 фоизни ташкил қилди. Юқори ўсиш суръатлари алоқа ва ахборотлаштириш (41,6 фоиз), туризм (27,3 фоиз), маиший (20,9 фоиз) соҳаларда, шунингдек, автомобиль ва бошқа техника воситаларини таъмирлаш (18,9 фоиз), молиявий (18,6 фоиз) ҳамда савдо ва умумий овқатланиш (18,6 фоиз) хизматларида кузатилди.

Республика минтакаларида товарлар ва хизматлар нархларининг ўзгариши бўйича олиб борилган кузатишлар, шунингдек, истеъмол маҳсулотлари бозори конъюнктураси ва уларнинг халқаро бозордаги нархлари динамикаси тахлили 2017 йилда инфляцияга асосан номонетар омиллар таъсир этганлигини кўрсатди.

2016 йилда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2010 йилга нисбатан 7,9 фоизга ортиб, 18,3 трлн. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бора-ётганидан далолат беради. Асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг 50,2 фоизи хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг ўз маблағлари, 21,2 фоизи тўғридан-тўғри хорижий

инвестициялар ва кредитлар, 6,0 фоизи эса бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Умумий инвестициялар салмоғида ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 70,6 фоизни ташкил этди. Унинг 23,6 фоизи транспорт ва алоқа, 15,2 фоизи ёқилғи-энергетика, 4,6 фоизи қишлоқ хўжалиги, 4,1 фоизи металлургия ҳамда 23,1 фоизи бошқа тармоқлар ҳиссасига тўғри келади. Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ҳисобот даврида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Шулар қаторида “Zenit elektroniks” қўшма корхонасида “Samsung” кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда маиший газ плиталари, кондиционерлар, электр пилесослар ва бир канча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмасини барпо этиш, Ўзбекистон-Хитой газ қувурининг учинчи йўналиши каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда қурилиш-монтаж ишлари қизғин паллага кирди.

Ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритилиши натижасида ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши машина ва металл ишлаб чиқариш, кимё ва нефть-кимё саноати, енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқларида юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланади.

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини яратиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашни тезлаштириш бўйича бир-қатор дастурлар ишлаб чиқилган. Жумладан, корхоналарни 2017-2021 йилларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришини

ошириш Дастурлари доирасида Сирдарё вилоятида 76,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 33 та молиявий манбалари аниқланган ва амалга оширишга тайёр инвестиция лойиҳалари, шунингдек 39,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги амалга ошириладиган, дастлабки ишлаб чиқиш босқичидаги 5 та инвестиция лойиҳалари ҳамда 25,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги амалга ошириладиган 6 та истиқболли инвестиция лойиҳалар, жами вилоят бўйича 44 та инвестицион лойиҳалар бўйича 142,1 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилиши режалаштирилган.

Шундан, 2016 йилда жами 51,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 23 та лойиҳалар ишга туширилди ва 1336 та иш ўринлари яратилди. Натижада бир қатор йирик саноат корхоналари фаолият юритмоқда. Хусусан, Гулистон шаҳридаги “Гул Рен Текс” ҚК тайёр тикув маҳсулотлари, “Мили Гулистон Текстил” ҚК ип калава ишлаб чиқариш, Янгиер шаҳридаги “Шипотекс” МЧЖ тайёр тикув буюмлари, ва Сирдарё туманидаги “Пенг Шенг” ҚКда керамик плиткалар ва пойафзал ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилган.

Ҳозирда вилоятда енгил саноат, фармацевтика, чарм-пойабзал ҳамда қурилиш моллари ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилган. Вилоятда янги маҳсулот турларини ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.

Жумладан,

- «Мили Гулистон Текстил» ҚК негизида ип калава ишлаб чиқариш кенгайтиришни ташкил қилиш лойиҳаси бўйича жами 406,6 минг АҚШ доллар миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда корхона фаолияти йўлга қўйилган бўлиб 2255,0 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва қўшимча 100 та янги ишчи ўринлари яратилган;

- «Хабиб Текс» ҚК негизида тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташкил этиш лойиҳаси бўйича жами 774,6 минг АҚШ доллар

миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда корхона фаолият кўрсатмоқда ҳамда 175,0 млн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва қўшимча 200 та янги ишчи ўринлар яратилган;

- «Gul-Ren-Teks» ҚК негизида тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича жами 885,0 минг АҚШ доллар миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда корхона фаолияти йўлга қўйилган бўлиб 899,0 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва қўшимча 110 та янги ишчи ўринлари яратилган;

- «Шипа Текс» МЧЖ негизида тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лойиҳаси бўйича жами 500,0 минг АҚШ доллар миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда корхона фаолият кўрсатмоқда ҳамда 89,0 млн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва қўшимча 60 янги ишчи ўринлар яратилган;

- “Кармента Ян-текс” ҚКда тайёр трикотаж матога гул босиш цехи фаолиятини бошлаб, бунинг натижасида 40 нафар янги иш ўринлари ташкил этилган;

- «Peng Sheng» ҚК негизида тери қайта ишлаш ва пойафзал ишлаб чиқариш ташкил этиш лойиҳаси бўйича жами 6,6 млн. АҚШ доллар миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда корхона фаолияти йўлга қўйилган бўлиб 400,0 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва қўшимча 50 янги ишчи ўринлари яратилган.

- Сирдарё туманида йиллик 9,6 млн флакон инфузион эритмалар ишлаб чиқарувчи “Темур Мед фарм” МЧЖ ишга туширилган бўлиб, унда бугунги кунга келиб 100 га яқин иш ўринлари яратилган.

- «Code Farm» МЧЖ негизида таблетка ва капсулалари дори-дармон ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси бўйича жами 500,0 минг АҚШ доллар миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда корхонада керакли қурилиш-монтаж ишлари тугатилиб, таблетка ва капсулалари дори-

дармон ишлаб чиқарувчи замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган.

Ушбу корхоналар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг 80 фоизи экспортга йўналтирилган бўлиб, жахон ва ички бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг кенгайишига муҳим омил бўлади.

2017 йилнинг ўзида, инвестицион дастурларни бажарилиши натижасида Россия, Туркия, Буюк Британия, Хитой, Исроил, Жанубий Корея, Хиндистон ҳамда КХДР давлатларидан инвестициялар жалб этилган.

Шунга қарамасдан банк кредити, гаров мулки, ер масаласи ва бошқа сабаблар ҳисобига айрим лойиҳаларни амалга оширилишида муаммолар юзага келган. Хусусан

Боёвут туманида “Алкатекстил” хорижий корхонаси ташаббуси билан қуриладиган лойиҳа қиймати 7,0 млн. АҚШ доллари миқдориغا тенг, 250 иш ўрнига эга бўлган, йилига 4 минг тонна ип калава ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонани ташкил этиш учун АТ Агробанк томонидан 7 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағини ажратиш масаласи кечиктирилмоқда.

Гулистон туманида йилига 10,8 минг тонна ип калава ва 16 млн. донга тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаси бўйича Гулистон тумани Зарбдор СИУ ҳудудидан Гулистон туман ҳокимлиги қарори билан 20 га ер майдони ажратилган, лойиҳани амалга ошириш бўйича барча техник шартлар тайёрланиб АПЗ олинган, аммо лойиҳа ташаббускори Туркиянинг БФ ТЕКСТИЛ корхонасининг мавжуд муаммолари сабабли ушбу лойиҳани амалга ошириш муддати кечиктирилган.

Сайхунобод туманида “Назокат” ХКда йилига 300 тонна сут маҳсулотларини қайта ишлаш режалаштирилган. Бизнес режа ишлаб чиқилиб ОАТБ Агро банкга тақдим этилган. Мижоз томонида сўралаётган 6 фоизли кредит ставкаси банкни қониқтирмаганлиги сабабли лойиҳа

белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмаган.

Сирдарё туманида:

“Авангард” МЧЖни ташкил қилиш учун Сирдарё тумани марказидан туман ҳокимининг қарори билан ер майдони ажратилиб, ишлаб чиқариш биносини 90 фоизи қуриб битказилган, лойиҳа ҳужжатларида аниқланган камчиликлар сабабли қурилиш ишлари вақтинча тўхтатилган;

“Интер Милк” МЧЖ да сут маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари тўлиқ келтирилиб, ҳозирда ускуналарни монтаж қилиш учун Исроил давлатидан мутахассислар келиши кутилмоқда;

“Сирдарё вино” АЖ 2017 йилнинг якунига қадар тасдиқланган тармоқ жадвалига асосан анор соки ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, ТИФ Миллий банкга 500 млн сўм миқдоридаги кредит ҳужжатлари расмийлаштириш мақсадида мурожаат этган, аммо кредит маблағларини жалб этиш учун корxonанинг ҳозирги молиявий аҳволи ва гаров таъминотининг қониқарсизлиги туфайли лойиҳа амалга оширилмаган.

Вилоятда 2015 йилда жами 37 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корxonалар мавжуд бўлган бўлиб улар сони 2017 йилга келиб 83 тани ташкил этди, ушбу корxonалар томонидан 2015 йилда 17,6 млрд. сўм маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса 2017 йилнинг 9 ойи ҳолатига 86,5 млрд. сўмни ташкил этди, бу эса 2015 йилга нисбатан 5 марта кўп демакдир.

2017 йилнинг 9 ойи давомида хорижий инвестициялар иштирокидаги корxonаларда ишловчилар сони жами 768 тани ташкил этган. 2016 йилда вилоятда жами 89 та хорижий инвестиция иштирокидаги корxonалар рўхатдан ўтган бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг 83 таси фаолият юритиб келмоқда. Улар томонидан жами 10,2 млрд. сўм тўғридан-тўғри хорижий инвенстициялар жалб этилган бўлиб, уларда 768 та аҳоли ишлаб келмоқда.

Ўтган йилда ушбу корхоналар томонидан 86,5 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва шундан 12,7 млн АҚШ доллари экспортга чиқарилди.

Вилоятнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш юзасидан ўтган йилда ишлаб чиқилган Ҳудудий инвестиция дастури доирасида 15 та лойиҳа асосида 21,3 млн. АҚШ доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, йил якунида 22,9 млн. АҚШ доллар хорижий инвестиция жалб этилди (режага нисбатан 107,6 фоиз).

Ушбу ишларни давом эттириш мақсадида 2017 йилда 23,5 млн. АҚШ долларлик 17 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 июлдаги “2017-2020 йилларда sanoat кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1590-сонли қарорига асосан, вилоятда 5 та корхона, яъни Сирдарё туманидаги “Бахтсельмаш” ҚК, “Темур мед фарм” МЧЖ, “Пенг-шенг” ҚК, “Бек” кластер, “Река Мед фарм” ҚК ва Гулистон шаҳридаги “ПАНА” кўшма корхонаси маҳаллийлаштириш дастурига киритилган.

«ПАНА» ҚК 2017 йилнинг якунига қадар 2250 дона ёки 14,6 млрд. сўмлик уч ғилдиракли юк мотоцикллари ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, амалда 715 млн. сўмлик 110 дона мотоцикллар ишлаб чиқарилган холос. Прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаслигига кўшма корхона таъсисчилари ва Хитой давлати ҳамкорлари билан тузилган ўзаро битимнинг, бузилганлиги сабабли корхона бугунги кунда вақтинча фаолияти тўхтатган ва прогноз 5 фоизга бажарилган.

«Бахтсельмаш» ҚК 2017 йилда жами 180 млн. сўмлик 10 минг дона плуг лемихлари ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, маҳаллий ҳом-ашёдан 204 млн. сўмлик 10,1 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарилиб белгиланган ва прогноз тўлиқ бажарилган.

«Темур мед фарм» МЧЖ 2017 йилда 1,9 млрд. сўмлик 2 млн. флакон инфузион эритмалар ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, амалда 4,6 млрд. сўмлик 4,7 млн. флакон эритмалар ишлаб чиқарилган ва прогноз кўрсаткичи 235,8 фоизга бажарилган.

“Пенг-Шенг” ҚК 2016 йил якуни билан жами 3 млн. кв. м. ёки 30,0 млрд. сўмлик керамик плиткалари ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, амалда 33,7 млрд. сўмлик 3,5 млн. кв. м. керамик плиткалар ишлаб чиқарилиб белгиланган прогноз кўрсаткичлари 116 фоизга бажарилган.

«Река мед фарм» ҚК 2016 йилнинг якуни билан 7,3 млрд. сўмлик 7,2 млн. флакон инфузион эритмалар ишлаб чиқарилиб белгиланган топшириқ тўлиқ бажарилган.

Амалга оширилган ишлар натижасида, вилоятимизда умумий қийматда маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари, ўтган 2016 йилга нисбатан 28 баробарга оширилган бўлиб 46,7 млрд. сўмга етказилди. Бугунги кунга келиб маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш, маҳаллий ҳом-ашёдан экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни кенгайтириш борасида бир-қатор чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан вилоятнинг Бахт шаҳридаги кальцид эритмалар ишлаб чиқарувчи “Калпет пластик” ҚК, Сирдарё туманидаги “Пенг-шенг” ҚКнинг электрон тарози ва электр ускуналари ишлаб чиқариш ҳамда пахтани қайта ишловчи ускуналар ишлаб чиқарувчи лойиҳалари, “Бек” кластер энгил саноатни ва қишлоқ хўжалиги ҳамда пахтани қайта ишлаш бўйича лойиҳалари 2018 йилда маҳаллийлаштириш дастурига киритилди.

Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимларини кўпайтиришнинг асосий шартларидан бири барқарор иқтисодий ва инвестицион муҳитни таъминлашдан иборатдир.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, кенг қўламли тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда қулай инвестиция муҳити муҳим аҳамият касб этади. Инвестиция муҳити инвесторларнинг ҳукумат юритаётган иқтисодий сиёсатга ва умуман мамлакатдаги иқтисодий жараёнларга бўлган ишончини белгиловчи мезон бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатдаги инвестиция муҳити кўплаб омиллар таъсирида шаклланиб, бундай омиллар қаторида иқтисодий ўсиш, хусусийлаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш, солиқ-бюджет, монетар ва валюта сиёсати, ички истеъмол, товар ва молия бозорларини мувофиқлаштириш каби келтирилган омилларни келтириш мумкин.

Иқтисодий ўсишнинг асосини маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ва жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган саноатнинг устувор тармоқларини, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ташкил этмоқда.

Жорий йилда мамлакатимизда 12 та эркин иқтисодий ва 45 та саноат зонаси фаолияти йўлга қўйилди ва бу ташкилий чоралар ҳудудларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Яқин вақт ичида яна 50 та янги саноат зонасини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги таъминлаш мақсадида фаол инвестиция сиёсати юритилиб, саноат ва хизмат кўрсатиш устувор соҳаларида корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш асосида халқаро бозорларда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминловчи янги тармоқларини яратишга муҳим аҳамият берилмоқда. Бундай тармоқлар қаторида автомобилсозлик, газ ва кимё, электротехника, тўқимачилик, озиқ овқат, фармацевтика, алоқа ва телекоммуникация, банк ва молиявий хизматлар кўрсатиш каби соҳаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Худудлар кесимида, жумладан, Сирдарё вилоятида хорижий инвестициялар иштирокида корхоналарни ташкил этиш ва уларни салохиятидан самарали фойдаланиш бўйича ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, 2016 йил якунига кўра вилоятда 83 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар рўйхатдан ўтганлиги қайд этилган. Шундан 30 та қўшма корхоналар, 12 та хорижий корхоналар ҳамда 1 та шуъба корхона. Шу жумладан: Гулистон шаҳрида (16 та), Сирдарё туманида (54 та), Сайхунобод туманида (4 та), Янгиер шаҳрида (3 та), Боёвут ҳамда Мирзаобод туманларида (2 тадан), Ширин шаҳрида (1 та), Гулистон, Оқолтин, Сардоба, Ховос туманларида (1 та) хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар туман ва шаҳарлар кесмида қайд этилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишда асосан қуйидаги давлатларнинг инвесторлари ўз хиссаларини қўшган: Россия Федерацияси – 30,2 фоиз (13 та); Ҳитой Халк Республикаси – 16,3 фоиз (7 та); Буюк Британия – 14,0 фоиз (6 та); Туркия – 11,6 фоиз (5 та), Бирлашган Араб Амирлиги – 7,0 фоиз (3 та) ҳамда АҚШ, Швейцария, Бельгия, Италия, Германия, Молдова, Литва, Жанубий Корея, Хиндистон, Қирғизистон (1 тадан).

Рўйхатга олинган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналари асосан иқтисодиётининг қуйидаги тармоқлари бўйича тақсимланган: енгил саноати – 32,6 фоиз (14 та); қурилиш саноати – 13,9 фоиз (6 та); қишлоқ хўжалиги – 16,2 фоиз (7 та); озиқ-овқат саноати – 9,3 фоиз (4 та); ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз саноати – 4,7 фоиз (2 та); машинасозлик – 4,6 фоиз (2 та); медицина – 2,3 фоиз (1 та) ва бошқалар. Вилоятда шу йилларда жами 13 та янги хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ташкил этилди. Шу жумладан:

Ўзбекистон-Россия «Карина сервис» ҚК (гипс бинтлар);

Ўзбекистон-Россия «Gulistan-Altay-Impeks» ҚК (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлаш);

Россия «Imprex» ХК (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлаш);

Ўзбекистон-Молдова «Бек-Транспромбизнес» ҚК (ғишт маҳсулотлари);

Ўзбекистон-Буюк Британия «Mili Gulistan Textile» ҚК (ип калава);

Ўзбекистон-Буюк Британия «Gul Ren Teks» ҚК (трикотаж маҳсулотлари);

Бирлашган Араб Амирлиги «Барака Текстил» ХК (ип калава);

Ўзбекистон-Туркия «Ак Карпет» ҚК (гилам маҳсулотлари);

Туркия «Serbo Textile Sirdarya» ХК (трикотаж маҳсулотлари);

Туркия «Atis Tekstil Prodaction» ХК (полиэтилен коплар);

Ҳитой «Peng Sheng Shoes» ХК (пойафзал);

Ҳитой «Peng Sheng Charm» ХК (терини қайта ишлаш);

Жанубий Корея «Sunjin Silk Road» ХК (автомобил хўжалиги фойдаланувчи ва хизмат кўрсатиш).

Ҳозирги кунда вилоятда 5 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмаяпти ёки ушбу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 83 фоизни (6 та) ташкил этади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ўзгаришлар ҳам ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини рағбатлантириш ҳамда экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни назарда тутган ҳолда амалга оширилиши, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу каби ўзгаришлар маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун ўз маблағларини Ўзбекистон иқтисодиётининг халқаро бозорда рақобатбардош соҳаларига жойлаштиришини белгилаб берувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда демократик бозор ислохотларини амалга ошириш ва иқтисодиёт соҳаларини тезкор модернизациялаш масалаларига бағишланган мазкур илмий-тадқиқот иши доирасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Миллий тараққиётимизнинг ҳозирги палласида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнлари янада кучайтирилиб, пировард стратегик мақсадимиз – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги ҳаракатлар изчил равишда амалга оширилади.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг олтинчи йўналиши мазкур пировард стратегик мақсадимизнинг муҳим таркибий қисми бўлган демократик бозор

ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш масалаларига қаратилган.

2. Маълумки, эркинлаштириш бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидаги тўсиқ ҳамда чекловларни, шунингдек, давлат назоратини кескин равишда қисқартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимидан иборатдир. У бутун иқтисодиётга татбиқ этилиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- хўжалик фаолиятини амалга оширишда давлат монополиясини бекор қилиш;
- ресурсларнинг марказлашган ҳолдаги тақсимотини тугатиш;
- нархларнинг устун равишда талаб ва таклиф нисбати асосида шакллантирилишига ўтиш;
- ички ва ташқи бозорларда трансакцион битимлар устидан давлат назоратини пасайтириш ва ҳ.к.

3. Худудий сиёсат бир томондан худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, маҳаллий бюджет, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, техникавий ва технологик база, инсон ресурслари, молиявий чекловлар кабиларни ўз ичига олувчи талаб ва шартлар асосида, иккинчи томондан эса саноат сиёсатини амалга оширишнинг шаклланиш манбаи ва худудий қўллаб-қувватлашнинг асосий дастаги бўлган худуд инвестицион сиёсатини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади. Бундан ташқари, инвестицион сиёсат саноат сиёсатини мувофиқлаштириш орқали кадрлар, экспорт, ижтимоий, бюджет каби иқтисодий сиёсат кўринишларини ишлаб чиқишга ўз таъсирини кўрсатади.

4. Бизнинг фикримизча, реал сектор ишлаб чиқаришига инвестицияларни рағбатлантириш чора – тадбирлари қуйидаги йўналишларни қамраб олиши лозим:

- Экспорт қилинувчи хомашёнинг мамлакат ҳудудида юқори даражада қайта ишланишини рағбатлантириш;
- Хомашё ва маҳсулотларга юқори технологик ишлов беришга ихтисослашган халқаро кооперацион занжирларга маҳаллий корхоналарнинг қўшилишига ҳар томонлама кўмаклашиш;
- Мамлакат ҳудудида қайта ишловчи ишлаб чиқаришларни жойлаштиришлари учун хорижий компанияларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш ва шу кабилар.

5. Сирдарё вилояти реал сектор корхоналари учун инвестицион сиёсат ишланмалари асослари тавсия этилади, хусусан инвестицион сиёсат доирасида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- Инвестицион фаолият мониторингини амалга ошириш ва инвесторлар ва инвестицион маблағларга эҳтиёж сезувчилар тўғрисидаги ахборотларни тизимлаштириш;
- Республика реал сектор корхоналари инвестицион дастурларини амалга ошириш учун молиявий маблағларни жалб этиш ва жамлашнинг самарали механизмини яратиш;
- Республикада инвестицион фаолиятни тартибга солувчи қонун ва қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- Саноат корхоналари ва ҳамда потенциал инвесторларнинг инвестицион фаоллигини ошириш учун зарур бўлган мамлакат саноат мажмуи инвестицион инфратузилмасини ривожлантириш;
- Ўзбекистон ва унинг ташқарисида ҳудуднинг ижобий инвестицион имиджини шакллантириш.

Мазкур ишланма доирасида ҳудуд саноат мажмуига маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этишни кенгайтириш ва қулай инвестицион иқлимни яратиш борасида ўз ичига қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни қамраб олган механизм таклиф этилган:

-худудий саноат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш доирасида инвестицияларни жалб этишнинг худудий стратегиясини ишлаб чиқиш;

-инвесторларни мақсадли маркетингини амалга ошириш;

-худудий инвестицион фондни барпо этиш;

-вилоятда инвестицион сиёсатни мувофиқлаштирувчи ва доимий фаолият кўрсатувчи профессионал тузилма ташкил этиш.

6. Тадқиқот ишида инновацияларга, ҳамда инновацион дастурларни амалга ошириш борасида маблағларга эҳтиёжни шакллантирувчи ва айни вақтда, ижтимоий-иқтисодий тизимга бир хил таъсир кўрсатмайдиган, худудни инновацион-инвестицион ривожлантириш шарт-шароитларини белгилаб берувчи омилларга ойдинлик киритилган.

Мазкур омиллар сирасига қуйидагилар киради:

1) инновацион фаоллик ва иқтисодий ўсиш суръатлари даражасига тескари таъсир этувчи, даврийлик омили;

2) аҳоли сони ва таркибининг ўзгариши билан боғлиқ тарзда умумий якуний истеъмол даражасини белгилаб берувчи, демографик омил;

3) атроф-муҳитга инсон таъсирини камайтириш ва қатъий ресурс тежамкорлик асосида инвестицион-инновацион фаолият амалга оширилишини белгилаб берувчи, табиий экологик омил;

4) иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асоси сифатидаги технологик омил. Шу тариқа, амалга оширилган SWOT-таҳлил жараёнида аниқланган худудий ижтимоий-иқтисодий тизимнинг “кучли жиҳатлари” ва ташқи муҳит таъсирида вужудга келиши мумкин бўлган хавфларнинг ўзаро нисбати худуд иқтисодиётини инновацион ривожлантириш механизмини шакллантиришни шарт қилиб кўяди.

7. Банк тизими фаолиятининг эркинлашувининг кейинги муҳим шартларидан бири - тижорат банкларининг эркинлигини ошириш, аҳоли ва

юрлик шахсларнинг ортикча маблағларини барқарорлаштирувчи молиявий воситачилик учун шароитлар яратишдир.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009.
2. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Президенти Илом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. – “Халқ сўзи” газетаси.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. – “Халқ сўзи” газетаси.
4. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).

5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси- Т.: Ўзбекистон, 2010.

6. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998.

7. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

8. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.–Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.

9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

11. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

12. Ахборот-коммуникация технологиялари. Изохли луғат –Т.: БМТТДнинг Ўзбекистон ваколатхонаси, 2010.

13. Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан–Т.:“O`qituvchi” НМУУ, 2011.

14. Давлат статистика кўмитаси Ахборот хизмати.

15. Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиқлоли йўлида. – Тошкент: Шарқ, 1996.
16. Каримов Н. Инвестицион фаолиятни қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари. /Иқтисодиёт ва таълим. 2011 й., 5-сон.
17. Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари./ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон.
18. Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.
19. Мустақиллик: изохли илмий-оммабоп луғат // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри / – Т.: «Шарқ», 2006.
20. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлари тўплами-Т.: Шарқ, 2001.
21. Олий таълим. Меъёрий –ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлари тўплами-Т.: Истиқлол, 2004.
22. Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2016 й., 5-сон.
23. Спелова П. Очередь безработных не сокращается. - <http://www.vz.ru/economy>.
24. Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. Форум экономистов Узбекистана. Т.: «SMI-ASIA», 2011.
25. Умарова Н. Олий таълимдаги муҳим янгилик (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги илмий-педагогик кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Б.Ражабовнинг шарҳидан фойдаланилди) // Туркистон, 2016 йил 8 июнь.
26. Эргашев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибададорликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омиллари. / Иқтисодиёт ва таълим. 2016 йил, 2-сон.

27. Юлдашев Р.З. Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. – Т.: Иктисодиёт, 2009.

28. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот // “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январь.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Халқ сўзи, 2011 йил 20 май, № 100 (5267).

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 79-сонли Қарори.

32. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

33. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / А.А. Азизхўжаев, Ф. Абдумажидов, М.А. Аҳмадшаева ва бошқ.; Масъул муҳаррир А.А. Азизхўжаев; ЎзР Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик инс-ти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.

34. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналашларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 4 апрелдаги Фармони. // Халқ сўзи, 2011 йил 5 апрель.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармони.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4296-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2011 йил 5 май.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 12 майдаги Қарори. // Халқ сўзи, 2011 йил 13 май.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури тўғрисида”ги 2011 йил 7 февралдаги Қарори.

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли Қарори.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1455-сонли Қарори.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори.

43. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

44. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. /№ 3/2011 й.

45. Қосимов М. Дунё андозаси даражасида ривожланаётган агросаноат. /Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. № 3/2011 й.

46. UFSInvestmentCompany: Стратегия на 2012 год. – <http://bonds.finam.ru>

47. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
48. www.uza.uz- Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти.
49. www.ceer.uz - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги самарали иқтисодий тадқиқотлар маркази расмий сайти.
50. www.bearingpoint.uz – USAID Bearingpoint Uzbekistan Economic Reform.
51. www.uzreport.com – SAIPRO konsalting kompaniyasiga tegishli, O'zbekiston va butun dunyodagi biznes tizim va iste'molchilarga axborot yetkazib berishga mo'ljallangan integratsiyalashgan internet loyiha.
52. www.uzsecurities.com- O'zbekiston Respublikasining Qimmatli qog'ozlar bozori haqida axborot beruvchi rasmiy sayti.
53. www.uzexport.com- O'zbekiston Respublikasining mamlakat eksport salohiyati haqida axborot beruvchi rasmiy sayti.

66. 1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. //Халқ сўзи. 16.01.2018 №11.

67. 2.Каримов И.А. Бош мақсадимиз-мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳатларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдиға юришдир. //Халқ сўзи, 16.01.2016.

68. 3.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, уни Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон. 2009.

69. 4.Каримов. И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.: Ўзбекистон. 1995.

70. .Robbins, Stephen P.Management / Stephen P. Robbins, Mary Coulter. — 11th ed. R5647 2012 .

71. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан курашимиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 15 декабрь.Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан курашимиз.

72. *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. <http://www.xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/8983>.

73. *Ш. Мирзиёев.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак.// Халқ сўзи, 2017 йил 15 январь.

¹ *Каримов И.А.* 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир: Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. - <http://www.uza.uz/>

74. *Каримов И.А.* Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамадан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2016 йил 15 январь. - <http://uza.uz>

75. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.

76. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи»,2017 йил 8 февраль

77. ¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли Фармони

78. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 4947-сонли Фармони, 216-банд.

79. ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИГА МУРОЖААТНОМАСИ

80. ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ Олий мажлисга МУРОЖААТНОМАСИ 2017 йил 22 декабр